ҚУВАДА ДЕНГИЗ ЧИҒАНОҚЛАРИ

ФАРҒОНА. Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги муносабати билан Қува шаҳри атрофида қазишма ишлари олиб борилмоқда. Шаҳристоннинг қадимий мудофаа девори очилганда VIII асрга оид тангалар топилди. Халтачада 200 тадан кўпроқ танга бор экан. Ундан ташқари 50 та мунчоқ, 6 та соч тўқноғич ва бронза ойнак чиқди. Мунчоқларнинг аксарияти феруза ва садаф сингари тошлардан ясалган. Қизиғи шундаки, топилмалар орасида Ҳинд океанидан олинган денгиз чиғаноқлари ҳам бор. Айниқса, диаметри 10 см. бўлган бронза ойнак ва шиша бўлаклари мутахассисларда қизиқиш уйғотмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ

ТАНБУРГА НАЙ ЖЎРОВОЗ

БУХОРО. Ўзбек миллий қадимий созлари — танбур, най, дутор ва бошқаларни ижро этиш бўйича ўтказилган республика кўрик-танлови кўпчиликда қизиқиш уйғотди. Асрлар оша ёқимли мусиқа таратиб келаётган бундай созлар ёшлар ижросида қандай жаранглаши танловнинг асосий шартларидан эди. Босқичма-босқич давом этган бу тадбирда танбурчи — тошкентлик талаба Тоҳиржон Қўзиев, найчи — Фарғона санъат билим юрти ўқитувчиси Тоҳиржон Қаҳҳоров, дуторда Мухтор Ашрафий номидаги давлат консерваторияси талабаси Дилфуза Йўлчиевалар ғолиб чиқишди. Уларга 50 минг сўмдан пул мукофоти берилди.

Даврон БАҲРОНОВ

ХАБАРЛАР, ЎЗГАРИШЛАР

«НЕФТЬ ВА ГАЗ» КЎРГАЗМАСИ

ТОШКЕНТ. Куни кеча Республика кўргазмалар марказида II Халқаро «Нефть ва газ» маҳсулотлари кўргазмаси ўз ишини бошлади.

ITE ва Республика кўргазмалар маркази ташкил этган бу кўргазма ҳамда Республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва «Ўзбекнефтгаз» корпорацияси ҳомийлик қилмоқда.

Ушбу халқаро кўргазмани ўтказишдан асосий мақсад — ёнилғи маҳсулотларини Ўзбекистон аҳолисига етарли миқдорда етказиб бериш, шунингдек, хориж давлатларига экспорт қилишни йўлга қўйишдир.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

ХОРИЖИЙ УСКУНА АСОСИДА

ҚАШҚАДАРЁ. «Қаршиёғэкстракция» ҳиссадорлик жамияти тасарруфида маҳсулотни елим идишларга қадоқлаш йўлга қўйилди. Бу хайрли ишни «Ўзбекистон — Сингапур» қўшма корхонаси бажаряпти. Хориж фирмаси билан ҳамкорликда жаҳон андозаларига мос қадоқланаётган маҳсулотлар сифатли ва бежирим. Йилига 5 минг тонна ёғни 2 литрли идишларда чиқариш мумкин. «Кейинчалик янги хорижий ускуналар ёрдамида ишлаб чиқаришни кенгайтирамиз, — дейди корхона раҳбари Асадулла Ҳасанов. — Бельгиядан ёғни доғлаш ускунаси келтиришни мўлжаллаб турибмиз».

Илҳом КАРОМОВ

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 21 май, пайшанба • № 60 (22.297).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

«ЭКСИМБАНК» АҚШНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ЭКСПОРТИНИ МОЛИЯВИЙ КАФОЛАТЛАЙДИ

Яқинда АҚШнинг экспорт-импорт банки Ўзбекистонга Америкадан муҳандислик хизмати ва турли қурилмалар экспорт қилинишини молиявий таъминлаш мақсадида 215 миллион долларлик маблағ ажратишни узоқ муддатга кафолатлашини эълон қилди.

«Эксимбанк»дан олинган хабарларга кўра, ушбу маблағ «Шўртан газ-кимё мажмуи»ни лойиҳалаштириш, қурилишни амалга ошириш ва уни фойдаланишга топширишда ишлатилади. Япония ва Германия экспортини молиявий таъминлаш органлари, шунингдек Ўзбекистон ҳукумати қўшимча маблағ ажратишади.

АҚШ экспорт-импорт банки Хьюстон ва Техас штатларидаги «Эй-Би-Би Ламмас глобал инкорпорейтед» компаниясининг Ўзбекистонда Шўртан газ конида полиэтилен ишлаб чиқарувчи завод қурилишида муҳандислик хизмати кўрсатиш ва уни асбоб-ускуналар билан таъминлашни молиявий қўллаб-қувватлаш учун 215 миллион долларлик маблағни узоқ муддатга кафолатлайди. АҚШнинг Коннектикут, Нью-Жерси, Техас штатларидаги учта шерик ушбу лойиҳани амалга ошириш учун зарур хизматларни кўрсатадилар.

«Амалга оширилиши кўзда тутилган ушбу иш Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан ўзига хос ишонч ёрлиғи сифатида намоён бўлади ва «Эксимбанк»нинг АҚШдаги экспортчиларга ушбу ривожланаётган бозорда рақобатбардошликни оширишда кўмаклашишга тайёр эканлигини кўрсатади», — деб баёнот берди «Эксимбанк» раиси Жеймс А. Хармон.

«Эксимбанк» «Чейз Манхэттен бэнк Эн-Эй инкорпорейтед» компанияси томонидан «Шўртан газ-кимё мажмуи» қурилишини лойиҳалаштириш ва заводни ишга туширишни учун тақдим этилган кредитни ҳам кафолатлади. Лойиҳанинг умумий нархи 762 миллион доллар, деб баҳоланди.

«Эксимбанк» мустақил федерал орган бўлиб, Америка товарлари ва хизматларини хорижий бозорларда сотишни молиявий қўллаб-қувватлаш йўли билан АҚШдаги ишчи ўринларини сақлаб қолишни қўллаб-қувватлайди.

Масалан, 1997 молия йилида «Эксимбанк» АҚШ экспортини қўллаб-қувватлаш учун 15 миллиард доллардан зиёд маблағ ажратди.

«Интернет» хабарлари асосида

ЭНГ КУЧЛИ ПОЛВОНЛАР ТОШКЕНТДА

Эртага «Мустақиллик кубоги» учун халқаро мусобақа бошланади

Бултур кузда илк марта эркин курашчилар ўртасида «Мустақиллик кубоги» учун халқаро беллашув ўтказилган эди. Бу сафар эса эркин курашчилар сафига юнон-рум усулида беллашувчилар ҳам қўшилишди.

Пойтахтимизнинг йирик спорт кошоналаридан ҳисобланган «Юнусобод» мажмуида қизғин ва муросасиз беллашувлар бўлиши кутилмоқда. Уч кун мобайнида жаҳоннинг ўттизга яқин мамлакатидан ташриф буюрган халқаро, олимпиада мусобақаларининг иштирокчилари, жаҳон кубоги учун баҳс қатнашчилари бўлмиш полвонлар маҳорат кўрсатадилар. Мусобақага мамлакатимиз полвонлари ҳам пухта хозирлик кўришган. Эркин курашчилар ҳамда юнон-рум усулида беллашиш хаддисини олган, хорижда Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган таниқли полвонлар баҳсга шай бўлиб туришибди. Улар орасида Дмитрий Коршунов, Дилшод Орипов, Аслиддин Худойбердиев, Григорий Пуляев, Ислом Кенжаев, Шермуҳаммад Кўзиев каби курашчилар бор. Ўйлаймизки, ўзига хос спорт байрамига айланадиган мусобақа мухлисларда ажиб таассурот қолдиради.

Оила йилида мамлакатимиздаги кўплаб хонадонлар фаровонлашиб бормоқда. Тошкент вилоятининг Оҳангарон туманидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида ҳам бундай оилалар бисёр. Мисол учун Абдумалик Мўминов оиласини олайлик. 74 ёшли отахоннинг 7 фарзанди, 20 нафар невараси бор. Оила тўқ, фаровон турмуш кечирмоқда. Кексалик гаштини сураётган отахоннинг қўй-эчкилари ҳам кўпаймоқда. У астойдил меҳнат қилиб ҳам оиласига, ҳам эл дастурхонига барака келтираётир.

Суратда: Абдумалик Мўминов яйловда.

Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

ЛОЙСУВОҚ ПИЁЛА

Шерободда «Кулол» ҳиссадорлик жамияти деган жамоа бор. Очилганига (ишлаётганига) йигирма бир йил бўлди. Ўн беш турга яқин кулолчилик буюмларини тайёрлайди: лаган, чойнак, пиёла, гултуваклар, қулдон...

Шерободнинг пиёласини кўплар лойсувоқ пиёла дейишади. Тўғри, лойдан қорилган, пиширилган. Лекин, бари-бир лойга ўҳшаб қолаверган: оғир, қалин, гуллариям ўзига яраша...

Шу, ўн беш йиллар бўлдики, одамлар: «Шероботнинг кулоллари, чинни пиёла ишлаб чиқаришса бўлмасмикан», дейишади. Бунга ўхшаган гап жамоанинг ўзида ҳам кўп айтилади. Бошқа кўп жойларда бўлгани каби бу ерда ҳам аҳён-аҳёнда раҳбар алмашиб туради. Янги раҳбар, Шерободдан чиннини ўзим чиқармасам, деб ваъдалар қилади. Бу ваъдалардан вақти чоғ бўлган кулоллар кафтларини бир-бирига ишқаб ишга киришадилар. Лекин маълум муддат ўтиб қорлар ёғадию, ваъдаларни босадиқолади.

Жамиятнинг ҳозирги раиси Махфират Нарзуллаева билан суҳбатимизнинг боши яна шу гап: Шерободнинг лойидан чинни пиширса бўлмайдими?

-- Бўлади!..

-- Қачон?..

-- Муҳандисимиз Ҳасан Аминовни Тошкентга, Фанлар академиясининг Қуёш физикасими деб аталадиган илмгоҳига юбордик. Малакасини оширади, -- дейди Махфират опа. -- Ўзимизнинг, мана, «Дўстлик» маҳалласидаги карьеримиз тупроғидан жингирдаган (жаранглаган, демоқчи) чинни пиширса бўлар экан. Самарқандлик ҳамкасбларимиз ёрдамни аямаймиз, деб туришибди. Энди окис, церкона деган кимёвий кукун керак. 1200 даража иссиқликда пиширадиган технология ва яна... маблағу раҳбарлардан рағбат, ёрдам керак.

-- Маблағ... йўқми ўзингизда? -- сўрайман раисдан.

-- Талайгина (икки миллиондан кўп) дебиторимизу, яна шунчалар кредиторимиз бор, -- дейди раис бармоқ санаб. -- Ишонсангиз, ўтган йили тўрт миллион сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, шунинг биру ўндан саккиз миллион сўмлигини сотдик (ишлаб чиқарилган 300 тонна оҳак ҳам шунинг ичида). Омборимизда икки миллион сўмликча маҳсулотимиз бор. Омборимиз-ку, тўла. Хазинамиз... Иморатимиз, қаранг, таъмирталаб. Хизмат машиналаримизнинг номи бор, холос. Бизга бир ёрдам, бир ҳимо берилса, шу, чинни пиширишни йўлга қўйиб ололсак эди. Вилоятимиз маҳаллий саноат идораси бошлиғи Бахтиёр Юсупович Исмоилов, туманимизнинг раҳбарлари «ҳай баракалла» қилишса-ку...

Нарзуллаеванинг гапларига изоҳ, шарҳ сўрамоқчи бўлибми, Бахтиёр Исмоиловнинг телефонини тераман. Садо бўлмади. Яна икки-уч бор қўнғироқ қилдим. Йўқ. Нима демоқчи эканимни ўқиб олар, деган хаёл билан юқоридагиларни ёздим. Шоядки, дурустроқ (амалийроқ) садо бўлар деган умид билан.

Олимжон УСАНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Луқма

ХДП хабари

ЯНГИ КОТИБЛАР САЙЛАНДИ

Жорий йилнинг 19 май куни Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ў. Турғунов, бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан, вилоят партия кенгаши биринчи котиби, шунингдек, Ш. Муҳаммаджонов, ўз аризасига биноан, вилоят партия кенгаши иккинчи котиби вазифасидан озод этилдилар.

Тошкент вилояти касаба уюшмалари кенгаши раисининг биринчи ўринбосари бўлиб ишлаб келган Сирожиддин Аъзамов Ўзбекистон ХДП Тошкент вилоят кенгашининг биринчи котиби ва мазкур вилоят ёшларининг «Камолот» жамғармаси бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Раҳимжон Солиҳов ушбу вилоят партия кенгаши иккинчи котиби этиб сайландилар.

Пленумда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Абдулҳафиз Жалолов ва Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати

Бу дунёнинг ишлари

СУХАРТО ИСТЕЪФОГА ЧИҚМОҚЧИ ЭМАС

Индонезиядаги етакчи мухолифатчи раҳбарлардан бири, «Муҳаммадиах» партияси раиси Амин Раис кеча Президентга қарши оммавий норозиликларни тўхтатишга чақирди. У миллий радио ва телевидение орқали сўзга чиқиб, ислоҳотларнинг тарафдорлари Президент Сухартонинг ўз хоҳишига кўра истеъфога чиқишни хоҳламаганлигини норози кайфиятда кутиб олишганини айтди. Лекин шунга қарамай Президентга қарши оммавий ҳаракатлар мақсадга мувофиқ эмас, чунки бунинг оқибатида тўқнашувлар ва қон тўкишлар юз бериши мумкин. Мамлакат Голландия мустамлакачиларига қарши кураш бошланганлигининг 90 йиллигини нишонлаётган шу кунларда талабалар ва мусулмон ҳаракатларининг раҳбарлари Жакарта марказида норозилик намойиши ўтказмоқчи эканликларини ҳамма биларди. Ҳарбийлар эса ўз навбатида намойишчиларни қаттиқ жазолашга тайёр эканликларини билдиришганди.

Ўтган ҳафтада оммавий намойишларда Жакартанинг ўзида 500 киши ҳалок бўлди. Ҳукумат эса тўс-тўполонлар натижасидан даҳшатга тушди. Чунки, 2,5 триллион Индонезия рупийси (250 миллион доллар) миқдорида зарар кўрилганди. 4 мингдан зиёд дўкон, 10 та давлат идораси, 24 та ресторан, 12 та меҳмонхона, 12 та ёқилғи қуйиш шоҳобчаси, 65 та банк, 535 та банк идоралари, 11 та полиция маҳкамаси ёндириб юборилганди. Минглаб уйлар ҳам вайронага айланди.

Индонезия Президенти Сухарто эса истеъфога чиқмоқчи эмаслигини маълум қилди. Кеча 76 ёшли Индонезия раҳбари телевидение орқали миллатга мурожаат қилиб, унинг истеъфоси мамлакатдаги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам бермайди, деди. Президентнинг фикрича, бундай қадам миллатга нисбатан «масъулиятсиз ҳаракат» бўларди. Сухарто агар Конституцияга қатъий риоя қилинмайдиган бўлса, мамлакатда «қон тўкилиши ва фуқаролар уруши бошланиши мумкин» деди.

ҲАМКОРЛИКДАГИ ҲАРБИЙ МАШҚЛАР

Форс кўрфази атрофида АҚШ, Бахрайн, Бирлашган Араб Амирликлари ва Қувайт мамлакатлари ҳамкорликдаги ҳарбий ҳаво ва денгиз кучларининг ҳарбий машқлари бошланди. Бу ҳақда Бахрайннинг янгиликлар агентлиги хабар тарқатди. Бироқ, машқлар ўтказиладиган жойнинг аниқ номи айтилгани йўқ.

ТОЛИБЛАР МУЗОКАРАЛАРДАН ВОЗ КЕЧИШДИ

Афғонистондаги «Толибон» Ислом ҳаракати вакиллари БМТнинг расмий кишиларини толиблар уламоларнинг тинчлик жараёнини барқарорлаштириш борасидаги мажлисида иштирок этмаслигини айтиб, хабардор қилди. Бу ҳақда БМТнинг вакили Хуан Карлос Бранд баёнот берди.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан эса толибларнинг шимолий иттифоқ билан музокаралардан воз кечганлигини чуқур ташвиш билан кутиб олди. БМТ маъмурияти раҳбари айнан толиблар уламолар мажлисини ўтказиш ташаббуси билан чиққанликларини айтди. Айнан ўшаларнинг ўзи музокаралардан воз кечишмоқда. Бунинг оқибатида Тоҳар вилояти ва бошқа ҳудудларда ҳарбий ҳаракатлар кучайиб бораётир. Афғонистоннинг шимолида қақшатқич жанглар бўлаётир. Кофи Аннан икки томонга ҳам мурожаат қилиб, уларни ҳарбий ҳаракатларни тўхтатишга чақирди. У қарамақаршиликни уруш йўли билан ҳал этиб бўлмаслигини яна бир бор эслатди. Хавфсизлик кенгаши ҳам шундай фикрни билдирди. Журналистларга маълум бўлишича БМТда толибларнинг музокаралардан воз кечиши Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Афғонистондаги воситачилик ҳаракатларига жиддий зарба берди. Ваҳоланки, икки томондан ҳам 20 нафардан диний арбоб қатнашиши мумкин бўлган уламолар мажлисидан кўп нарса кутилган эди.

ҲИНДИСТОН ШАРТНОМАГА ҲОЗИРЧА ИМЗО ЧЕКМАЙДИ

Ҳиндистон ўзининг ядровий қудратини тўла тиклаб олишни якунламагунча ядро қуролини синовдан ўтказиш ва уни тарқатмаслик ҳақидаги шартномага имзо чекмайди. Бу ҳақда Ҳиндистон мудофаа вазири Жорж Фернандес Бомбейда ўтказилган матбуот анжуманида айтди. У Хитойни мисол келтириб айтдики, ушбу мамлакат 1992 йилда ўзининг ядро қуролларини синовдан ўтказиб бўлгандан сўнг, ушбу шартномага имзо чекканди, деди.

Жорж Фернандес Ҳиндистонга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўлланилаётганига тўхталиб, бундай жазо чоралари мамлакат иқтисодиётига таъсир ўтказмайди, деди. Ҳиндистон Америкадан 10 йилдан бери ёрдам олмаяпти. Ҳиндистонга фақат мудофаа соҳасини кучайтириш учун технология зарур, холос.

ЭНГ МУҲИМИ — МАМЛАКАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

Биз Ҳиндистоннинг ахмоқона ҳаракатларини такрорлашга ҳаракат қилмаймиз, балки давлатимизнинг хавфсизлигини таъминлаш учун барча чораларни кўрамиз. Агар зарур бўлса, Ҳиндистонга қарши муносиб ядро жавоби ҳам беришимиз мумкин. Бу ҳақда журналистлар билан суҳбатда Покистон Бош вазири Навоз Шариф айтди. Ташқи ишлар вазири Гоҳар Айюб Хоннинг «Покистон ядро синови ўтказишга яқинлашиб қолди» деган гапига биноан Шариф бундай деди: «Бизга ҳамма томондан таъсир ўтказишмоқда. Жамоатчилик, сиёсий раҳбарлар ва партиялар, оддий фуқаролар ҳукуматдан Ҳиндистонга қатъий жавоб беришимизни талаб қилишаяпти. Биз иқтисодий жазо чораларидан қўрқмаймиз. Бунга ўрганиб ҳам қолдик. Пировардида масъулиятли қарор қабул қилишимиз ҳам турган гап».

1991 — 1998 7 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

Саноқли ойлардан сўнг Ватанимиз мустақиллигининг етти йиллиги нишонланади. Истиқлолнинг етти йили, етти алп одими... Бу ҳақда етти достон ёзиш мумкин.

Дарвоқе, аждодларимиз қадим замонлардан буён 7 рақамини тимсоллаштириб, муқаддас ҳодиса сифатида қараганлар ва турмушдаги, маданий ҳаётдаги, табиатдаги айрим тушунчаларни шу рақамга боғлаш анъанасини яратганлар. Халқ тилига эътибор берсангиз, «Етти ўлчаб бир кес», «Етимнинг ҳаки етти дарёни қуритар» сингари мақоллар, «Етти букилиб салом бермоқ», «Етти қават кўрпача тўшамоқ», «Етти йўлнинг бошида турмоқ» сингари ибораларни кўплаб эшитасиз.

Булардан ташқари она тилимизда етти мўъжиза, етти хазина, етти иқлим, етти хил ранг, етти фалак, етти дарё, етти гўзал, етти донишманд, етти юлдуз сингари кўплаб тушунчалар ҳам бор.

7 рақами халқимиз тасаввурида омад, муваффақият белгиси, бахт ва эзгулик тимсоли сифатида анъанавийлашган.

Биз ҳам ана шу анъанага содиқ қолиб Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланган «Ўзбекистон — буюк имкониятлар мамлакати» рукнини давом эттирмоқдамиз. Унда мамлакатимиз вилоятларида эришилган муваффақиятлар галма-гал ҳикоя қилиб борилаётир. Бугунги ҳикоямиз Наманган вилояти ҳақидадир.

2-3- бетлар

Ислом КАРИМОВ:

Мамлакатимизнинг барқарор равнақини таъминлашда наманганликларнинг муносиб ҳиссаси бор. Бу заминнинг саховати, бу замин фарзандларининг шижоати ўзига хосдир.

1991 — 1998 МУСТАҚИЛЛИК

ЎЗБЕКИСТОН —

БИР ХЎЖАЛИККА ИККИ РАИС

ёки кадрлар тарбиялашда ўзига хос тажриба

Наманганни Хизр назари тушган юрт, дейишади. Ҳаққи рост. Йиллар силсиласида бу замин дунёга кўп назаркарда зотларни танитган. Бобораҳим Машраб ана шундай улуғ зотларнинг бири.

Одамзот дарду аламлари уфурган оловли шеърияти туфайли таънаю-дашномларда қаландардек умргузаронлик қилган «Таваллуди ўшал фарзанди Намонгоний» бугун ҳамюртлари ардоғида, элининг хотирасида.

Ўшанда Ўзбекистон истиқлолининг илк баҳори эди. Халқимиз Мустақиллик маънавиятига, миллий мафкурага муштоқ эди. Юртбошимиз раҳбарлигида миллий ғуруримиз кемтикларини тўлдириш пайида амалий ишлар бошлаганди. Ана шу кунларда, қуёшли юртимиз халқи ўз Машрабини ростмана таниди. Шоирнинг 350 йиллик таваллуд тўйи кенг нишонланди. Ҳар йили май ойида вилоятда машрабхонлик кунларини ўтказиш таомилга айланди. Мўътабар ҳамюртлари шаънига яқин 50 гектар ҳудудда миллий боғ яратдилар. Мазкур маданият ва истироҳат боғида шоирнинг маҳобатли ҳайкали қад ростлади. Шоир қадамлари етган Бухоро ва Самарқанд, Афғонистон ва Қирғизистон, Эрон, Хитой ва Туркия рамзларини берадиган маъмурий обидалар бунёд бўлди.

Ўтганлар руҳини шод этиш хайрли амаллардан. Бундай саъй-ҳаракатлар бугунимизга барака, ишларга ривож бераётганини вилоят ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги туб ўзгаришлардан ҳам яққол билиш мумкин. Бағри кенг ўзбек халқининг ўтиш даврида ҳам яратувчилик одатига содиқлиги, буюк келажакни барпо этишдаги катта изланишлари туфайли вилоят ташқи дунё назарига тушмоқда. Ҳозир бу ерда

МАШРАБИНИ ЙЎҚЛАЁТГАН ЮРТ

70 дан ортиқ хорижлик шериклар билан ҳамкорликда қўшма корхоналар вужудга келди.

Узоқ ва яқин хорижий мамлакатлар орасида Россия Федерацияси ва Туркия вилоятнинг йирик сармоя қўювчиларига айланган. АҚШ, Германия, Япония, Испания, Италия сингари мамлакатларнинг нуфузли компания ва фирмалари билан тузилган қўшма корхоналар вилоят иқтисодиёти ривожланишига хизмат қилмоқда.

Ҳозирги кунда чой қадоқловчи «Ал-Жаҳон», пахта линтидан қоғоз ишлаб чиқарувчи «Намбум ЛТД», чиқинди пилладан сифатли ипак ишлаб чиқарувчи ўзбек-япон «Силк Роад» қўшма корхоналари синов даврини ўтамоқдалар. Келгуси ярим йилликда, бу корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш бошланади.

Олмониянинг «Алькатель» фирмаси билан ҳамкорликда,замонавий бизнес ва тадбиркорликни ривожлантиришда зарур бўлган янги коммуникация тизимининг вужудга келтирилиши катта воқеа бўлди. Эндиликда телефон орқали ишбилармонлар бошқа қитъадаги шериклар билан ҳам бир зумда алоқа боғлаш имкониятига эгалар. «Нотўқимачи» ҳиссадорлик жамиятида ҳам немисларнинг «Текстима» фирмаси ёрдами билан янги ускуналар ўрнатилди ва бу ерда Марказий Осиёда — биринчи марта сунъий мўйна ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Умуман бугунги кунда ишлаб турган 150 дан ортиқ саноат корхоналарида кейинги йилларда гугурт, телевизорлар, плёнка остида чигит экадиган сеялкалар, чарм куртка, безакли ғишт, қурутилган ва қадоқланган сабзавотлар, кока-кола, фанта ичимлиги, майда қадоқлаш пластмасса идишлари, калава иплар, бир неча турдаги электротермик маҳсулотлар каби бозорбоп товарлар тайёрланмоқда.

Мустақиллик эпкинлари вилоятимиз бозорларига барака, гузарларига ободлик бахш этмоқда. Бу шундай юртки, туну кун гузари ва бозоридан одам аримайди. Истаган пайтда бир пиёла кўк чойидан, тандирдан янги узилган бўрсилдоқ нони-ю, ширмой кулчаларидан бебахра қолмайсиз.

Вилоят ҳокими ҳузурида ҳар душанба ўтадиган ҳафталик кенг қамровли, режали маслаҳатларида албатта бозор мавзуси, нарх-наво масаласи тилга олинади. Тайёрлов ва савдо ташкилотлари эътибори бозорларни маҳсулотлар билан тўлдиришга қаратилиши натижасида нарх-навода кескин тафовутлар учрамайди. Дейлик, гўшт бозоридаги нисбатан арзон баҳога ҳатто қўшни вилоятларда ҳам ҳавас қилишади.

... Одамлари сертакаллуф, серфарзанд, болапарвар. Улар ўғил-қизларига ҳам кўпинча «сизлаб» муомала қилишади. Заррада қуёш акси намоёндек, республикамизда юз бераётган ва ҳар биримиз шоҳид бўлиб турган ислоҳий ўзгаришлар наманганликлар маънавиятида, кайфиятида кўзгудек акс этмоқда. Етим-есир, бева-бечораларни саховатпешалик билан ижтимоий муҳофаза қилиш наманганча одамгарчилик қадрият мазмунига сингиб бормоқда. Ҳар йили анъанавий Мустақиллик, Наврўз байрамлари ва гул сайилларида йигит-қизларнинг никоҳ маросимлари, кўп болали, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига хатна тўйлари ўтказилади.

Президентимиз таъбирлари билан айтганда «пок ниятли наманганликлар...» Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг етти йиллигига шу тариқа ёруғ юз, яратувчилик меҳнатлари билан бормоқдалар.



«Аснамтекстиль» маҳсулотлари

Фўза ривожи — қаровга боғлиқ

Қишлоқда раҳбар бўлиш, айниқса, хўжаликка раислик қилиш осон эмас. Илгари эди, раиснинг айтгани-айтган, дегани-деган замонлар. Райком буюрган пахтани йўлини қилиб етказиб берса бўлди. Елиб-югуриб ишлайдими, салқинда ёнбошлаб ётадими, бу раиснинг иши эди.

Мулкчилик шакли ўзгариб, меҳнатнинг ҳам, натижанинг ҳам мезони битта — бозор бўлиб турган ҳозирги вақтда аҳвол тубдан ўзгарди. Энди раисга талаб катта: аввало мустақилликка содиқлик, юртпарварлик, ҳамқишлоқлари тирикчилиги ва фаровон турмушига масъуллик... Бунинг учун эндиги раис билимдон, ғайратли, мушоҳадаси ўткир, фикрлайдиган, чунончи келажакни олдиндан кўра оладиган бўлиши керак.

Вилоятда бунақа раҳбарлар кўп. Дейлик, Норин, Наманган туманларида 5-6, бошқа туманларда 3-4 тадан хўжалик ишлари юқоридаги талабларга мос келади. Кейинги йилларда эришилаётган натижалар шунга далил. Хўш, қолган хўжаликларни ҳам шу даражага етказиш мумкинми? Раисликка кадрни тўғри танлаш, тарбиялаш ва энг муҳими жойида ишлата билиш йўли қаерда?

Йўли топилди. Вилоят ҳокимлиги қишлоқ хўжалиги мажмуининг заҳирадаги ёш кадрлар малакасини оширишни ташкил этиш бўйича шу йил бошида махсус қарор қабул қилди. Қарорда ёш кадрларнинг хўжалик юритиш ва бошқарув усулларини амалда эгаллашлари учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар яратиб бериш, жон қуйдириб меҳнат қиладиган фидойи, билимдон, иқтидорли ёш ишбилармонларни тайёрлаш кўзда тутилади.

Бунинг учун ҳар бир тумандан 3-4 тадан тажриба хўжалиги танланди. Худди шу хўжаликларда қўшимча бош мутахассис штатлари жорий этилди. Туман ҳокимликлари заҳирага олган кадрларни қайта саралаб, вилоятга ҳавола этишди. Малака оширишнинг Низоми ишлаб чиқилиб, услубий дастур қабул қилинди. Вилоят миқёсида маслаҳат йиғинида тажриба моҳияти пишитилди. Шундай қилиб 1 апрелдан бошлаб 41 та жамоа, ширкатлар уюшмаси ва ҳиссадорлик жамиятларида бир нафардан ёш мутахассис малака оширишни бошлади.

Малака ошириш 1999 йилнинг 1 апрелига қадар давом этади. Бу давр мобайнида бўлажак ёш раҳбарлар хўжаликда Президентимиз Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси, вилоят, туман ҳокимлари қарорларининг бажарилишини ташкил этишлари, бошқарув усули, жамоанинг молиявий аҳволи, унинг ташқи алоқалари, ижтимоий-маданий соҳани ривожлантириш тажрибаларини ўрганадилар. Хўжалик субъектларининг ҳаракатлари қонунга мувофиқлигидан тортиб, аҳоли ўртасида миллий истиқлол ғояларини тарғиб этишгача, қишлоқ инфратузилмаси муаммоларини ҳал этишдан тортиб, кутубхона, кинотеатр фаолияти, обунанинг аҳволигача таҳлил этишга масъулдирлар.

Дарҳақиқат, тайёр кадр осмондан тушмайди. Уни йўналтириш, ўқитиш, ўқтириш орқали тарбиялаш мумкин. Шу маънода, вилоятда бошланган хайрли ишга кўпчилик умид билан қарамоқда.

Косонсой шойи тўқиш фабрикасида

КУЛАМИЗ ~ КУЛДИРАМИЗ

Наманганлик шоир Ҳабиб Саъдулла бир куни оёғи оғриб касалхонага борди.

— Келинг, шоир ака, — туриб қарши олди шифокор.

— Оёғим оғрияпти.

Шифокор унинг оёғини синчиклаб текшириб «Туз бор» деди.

Шунда Ҳабиб ака:

— Ия, одатда, туз пешонада бўларди-ку! — дебди.

***

Бир куни «Халқ иродаси» газетаси таҳририятига телефон қилишди:

— Алло, мен газетангизда босилган «Майпарастлик» мақоласининг муаллифи билан гаплашмоқчи эдим.

— У киши университетда ишлайдилар. Нима гапингиз бор эди, айтиб қўямиз.

— Мақола зўр ёзилган экан. Бирон кун бормоқчиман, шундай талант эгаси шарафига юз граммдан ичсак...

Қамчиқ довонида иш қизғин



Машҳур чуст дўппилари

ВИЛОЯТНИНГ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАРИ КЎЛАМИ

Бугунги кунда вилоятда Австрия, Афғонистон, АҚШ, Бельгия, Бирлашган Араб Амирликлари, Болгария, Буюк Британия, Венгрия, Виржиния ороли, Германия, Гонконг, Исроил, Испания, Италия, Канада, Латвия, Литва, Нидерландия, Покистон, Польша, Россия, Саудия Арабистони, Тожикистон, Туркия, Украина, Франция, Хитой, Чехия, Швейцария, Япония, Қирғизистон, Қозоғистон, Ҳиндистон каби давлатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар йўлга қўйилган.

* * *

1997 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоят ташқи савдо айланмаси 229,9 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Жами ташқи савдо айланмасидан 139,4 млн. АҚШ долларлик экспорт ва 90,5 млн. АҚШ долларлик импорт амаллари бажарилди. Жумладан, олис хориж давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 157,8 млн. АҚШ долларига, ҳамдўстлик давлатлари билан ташқи савдо айланмаси эса 72,1 млн. долларга тенг бўлди.

БЎЛАР БОЛА БОШИДАН

Намангандаги ўзбек-турк лицейининг 10-синф ўқувчиси Нодир Ҳусанов йил бошида Туркияда ўтказилган илмий-техник тадқиқотлар танловида биринчи ўринни олди. Унинг «Сув ва ҳаво ифлослигини ўлчашда оптик-электроник элементлардан фойдаланиш» мавзуидаги илмий изланишлари мутахассислар томонидан юксак баҳоланди.

Унинг синфдоши Шаҳриёр Турғуновнинг «Ҳар хил магнит майдонларининг асаб тизими ва ҳашаротлар ҳаракатига таъсири» номли тадқиқоти эса ушбу йўналиш бўйича 2-ўринни олишга муваффақ бўлди.

* * *

Шаҳардаги 1-ўрта мактабнинг 9-синф ўқувчиси Ольга Сон ва 12-ўрта мактабнинг 8-синф ўқувчиси Баҳодир Холмирзаевлар шахмат бўйича ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилигида 1-ўринни қўлга киритишиб, шу йил Эрон ва Испанияда ўтадиган Осиё ва Жаҳон биринчилиги мусобақаларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

* * *

Чустдаги 1-ўрта мактаб ўқувчиси Нилуфар Исмоиловага юртбошимиз номидан бир жамлама компьютер совға сифатида берилди. Нилуфар бу эътиборга 9 ёшда 7-синфга ўтиб аъло баҳоларга ўқиётгани, инглиз тилини пухта ўрганаётгани туфайли эришди.

АЁЛГА ОИЛА ҚАДРЛИ

Вилоят аёллари хулқи-одоби, хушмуомаласи, оиласини маҳкам тутиши билан оғизга тушган.

Ўзбекона лутф, миллий, шарқона таомилларга содиқлик эса хотин-қизлар қиёфасининг мазмунига айланган. Жамоат транспортида фақат олд эшикдан чиқиб-тушиш, хонадонига чақириб борган кишига кўринмай овоз бериш, рўзғорга эр билан баробар қайишиш, миллий ҳунармандчилик билан оилани мустаҳкамлашга баҳолиқудрат кўмаклашиш ҳам Наманган аёлларига хос фазилатлар.

Вилоят хотин-қизлар қўмитаси бу фазилатлар устувор бўлиб қолиши учун Оила йилида қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Ўтган қисқа вақт ичида «Аёл ва ҳуқуқ» мавзуида барча туманларда семинарлар ўтди. Маҳалла ва аҳоли истиқомат жойларида «Оила ва жамият» туркумида учрашувлар, суҳбатлар, савол-жавоб кечалари ташкил этилди.

«Энг ибратли келинчак», «Намунали хонадон» кўрик-танловлари оилаларга ижодий жўшқинлик бахш этган бўлса, «Аёл ва ҳуқуқ», «Маънавият оиладан бошланади» тадбирлари каттаю кичикни ўйлашга, тафаккур қилишга ундамоқда.

«Наманганг ўшт»да гўшт кўп



РАҚАМЛАРДА — ҲАЁТ

САНОАТ

Мустақилликнинг дастлабки йилида вилоятда 110 та саноат корхоналари мавжуд бўлган бўлса, ҳозирга келиб бу кўрсаткич 150 тадан ошиб кетди.

***

1991 йили 43 та асосий турдаги саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган эди. Ўтган йили бу кўрсаткич 90 тадан ошиб кетди.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

1997 йил якунига кўра, 201 гектар мевали боғ, 73 гектар токзор ва 114 та маданий-маиший бинолар ҳамда кичик корхоналар хусусийлаштирилди. Шунингдек, 119 та кичик корхоналар қурилиб, 446 та янги ишчи ўринлари яратилди.

***

Пахтачиликда Андижон тажрибаси асосида ўтган йили 22 минг гектар майдонга плёнка остига чигит экилди. Бу кўрсаткич жорий йилда 39,8 минг гектарга етди. Сўнгги 2 йилда бошоқли ғалла майдонлари 2 бараварга ортди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

1990 йилгача бўлган даврда вилоят бўйича жами 1480 км. газ тармоқлари тортилган, холос. 1991 йилдан то ҳозирги кунга қадар эса 2875 км. газ тармоқлари фойдаланишга топширилди. Ёки собиқ Иттифоқ даврида ҳаммаси бўлиб 1423, 9 км. сув узатиш тармоқлари мавжуд бўлган бўлса, 1991-97 йилларда 1293 км. шундай тармоқлар ишга туширилди. 1990 йилгача бўлган 20 йил давомида 95,8 минг хонадон газлаштирилган бўлса, мустақиллик даврининг ўзида 100 мингдан зиёд хонадонни газлаштиришга эришилди.

***

Айни кунларда нафақат Наманган вилоятини, балки бутун Фарғона водийсини республика пойтахти билан боғловчи Тошкент — Ўш автомобиль йўлининг «Қамчиқ» давонида узунлиги 358 ва 891 метрли иккита туннел қурилишида жадал суръатлар билан иш олиб борилмоқда.

САВДО

Ўтган йил вилоятда мавжуд савдо тизимларининг барча тармоқларида аҳолига 36426,0 млн. сўмлик савдо хизмати кўрсатилиб, 1996 йилга нисбатан ўсиш суръати 101,1 фоизни ташкил этди.

ПУЛЛИК ХИЗМАТ

Соҳада кўсатилган хизмат ҳажмининг 58,6 фоизи нодавлат ва 41,4 фоизи давлат мулки шаклидаги корхоналар ҳиссасига тўғри келди.

ТУМАНЛАРДА НИМА ГАП?

УЙЧИ. «Наманган телеком» ҳиссадорлик жамияти туман бўлими телефон ҳақини олдиндан тўлаган мижозлар учун лотерея ўйини ўтказди. Омади келган ташкилотлар ва мижозларга замонавий телефон аппаратлари, девор соатлари ютуққа чиқди. Голиблар, шунингдек, жамият хизматидан имтиёзли фойдаланадилар.

ТЎРАҚЎРҒОН. 140 киши икки сменада ишлаётган «Ахсикент» ўзбек-турк қўшма корхонаси маҳсулотлари қаторига яна 3 хил модель қўшилди. Ҳозир бу ерда жами 20 хилдан ортиқ маҳсулот тайёрланмоқда. Қўшма корхонадаги изланишлар туфайли ўтган йилнинг I чорагига қараганда 1 миллион 760 минг сўм кўп маҳсулот ишлаб чиқарилди.

КОСОНСОЙ. Туман товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлик палатаси пенсия жамғармаси туман бўлими ўртасидаги низо палата фойдасига ҳал бўлди. Низони кўриб чиққан вилоят хўжалик суди тадбиркорлар палатасидан асоссиз ундирилган пулни қайтариш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳақ-ҳуқуқни, қонунни билганга не етсин.

ПОП. «Найман» жамоа хўжалигида чўлқуварлар учун 50 нафар беморга мўлжалланган янги шифокорлик шаҳобчаси иш бошлади. Қарийб 11 миллион сўм маблағ эвазига биттан соғломлаштириш масканида малакали тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

МИНГБУЛОҚ. ЎзХДП вилоят кенгаши ташкил этган тарғибот гуруҳи тумандаги Амир Темур номли жамоа хўжалигида мулоқот ўтказди. НамДУ профессори М.Нишонов, доцент Б.Талабов маънавият, виждон эркинлиги, ижтимоий-сиёсий барқарорлик масалалари бўйича маърузалар қилдилар, саволларга жавоблар қайтардилар.

БУЮК ИМКОНИЯТЛАР МАМЛАКАТИ

1991 – 1998 МУСТАҚИЛЛИК

Наманган — гуллар шаҳри

Вилоят шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси вилоят ҳокимлиги кўмагида ўтган йилдан бошлаб фермер хўжаликларида хориж тажрибасини қўллашга киришди. Яқинда бир гуруҳ фермерлар Голландия сафарига бориб келдилар. Улар Нидерландия давлат IPC иновация ва амалиётга ўқитиш маркази таъсис этган халқаро фермерлар мактабининг бир ҳафталик ўқувида қатнашиб, халқаро

«ЭНДИ ГОЛЛАНДЧАСИГА ИШЛАЙМИЗ»

микёсдаги сертификат олдилар.

Қуйида ўқув қатнашчилари ўз таассуротлари билан ўртоқлашадилар.

Муҳаммаджон ЭРГАШЕВ, вилоят шахсий, ёрдамчи ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси раисининг муовини

— Голландиядаги маҳсулдорликка қойил қолдик. Битта сигирдан бир кунда 40-50 литргача сут соғиб олинади. Бизда эса қаровга эътиборсизлигимиз сабаб маҳсулдорлик ҳаддан зиёд паст. Мева-чева, сабзавот масаласида қуёшли диёримизда етиштирилган маҳсулотга етадигани йўқ. Мазали, туйимли, қувватли молимизни чиройли идишларда харидорга ҳавола этолмаяпмиз. Бу борада ишлашимиз керак экан.

Жўрақўзи МАМАДАЛИЕВ, Поп туманидаги «Меҳр-шафқат» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи

— Очиғи ҳар бир фермер ўз маҳсулотини ўзи қайта ишлаши мени лол қолдирди. Яна ўрганишимиз зарур бўлган масала — шартнома — муқаддас ҳужжат ҳисобланади. Шартнома тузилдими, тамом, буюртмачи маҳсулотини олиб кетадими, сотишга улгурадими-йўқми барибир, ҳисоб - китоб қилинади. Биз ҳам шартномага риоя қилишни шу даражага кўтаришимиз лозим!

Мавлонхон ИСРОИЛОВ, Косонсой туман «Ҳамкор» деҳқон-фермер хўжалиги бошлиғи

— Такомиллашган технология, замонавий сервис хизмати туфайли голланд фермерлари иши ривожланаётганига гувоҳ бўлдик. Улар ишини кузатиб, шу хулосага келдимки, ер олиб, кетмон чопишни билган киши фермер бўлавермайди. Голланд фермери техникани ҳам, компьютерни ҳам ўзи бошқаради. Демак, биз ўз устимизда қатъий ишлашимизни давр тақозо қилмоқда.

Одилжон МАМАЖОНОВ, Чортоқ тумани деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмаси раиси

— Биздаги серобчилик, арзончилик ҳатто ўша Голландияда ҳам йўқ. Уларнинг муваффақиятларига келсак, назаримда, интизомга, тартибга риоя этиш турмуш тарзининг ўзагини ташкил этади. Иш вақтидан рационал фойдаланиш, ўз устида тинимсиз изланиш ҳам биз учун мактаб вазифасини ўташи керак.

Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал, деган нақл бор. Вилоят уюшмаси бундай сафарни изчил давом эттириш ниятида саъй-ҳаракат қилмоқда.

СУРАТДА: *Голландия сафаридан қайтган бир гуруҳ фермерлар.*

— Юртбошимизнинг вилоятимизга ташрифларидан кейин Наманган шаҳрининг янги лойиҳасини яратдик. Унга 20 йиллик тараққиёт учун белгиланган режамиздан келиб чиқиб шаҳарнинг географик жойлашуви, табиатини эътиборга олган ҳолда изланишлар асосида ёндошдик.



«Жаҳон бозори» — алоқалар тарозиси

Фарғона водийсининг кўкаламзор шаҳарларидан бўлган Наманганнинг асл табиатини, қиёфасини сақлаб қолишга уриндик. Бунинг учун биз ҳаддан ташқари катта бинолар қуришга интилмадик. Энг баланд бино ҳозирча бизнес маркази бўлиб, у келгусида 20 қават ҳажмда бунёд этилади. Қолган бинолар эса 4-5 ва 9-12 қаватгача баландликда бўлади. Қурилажак бинолар замонавий шаҳарсозлик, шарқона меъморчилик услубида қад кўтаради.

Суратдан ҳам кўриниб турибдики, 70 фоиз шаҳар бинолари сақлаб қолинади ва уларнинг замонавий усулларда олд кўринишлари ўзгартирилади.

Яна бир мақсадимиз маҳаллий ҳокимлик идораларини марказга жойлаштириш. Ҳозир ҳокимликнинг бўлим ва бошқармалари тарқоқ ҳолда жойлашган. Бир ишни битириш илинжидаги киши бутун Наманган бўйлаб сарсон бўлиши мумкин. Шу боис кимнинг иши тушса бир эшикдан кирсину, шу ерда ҳамма муаммоси битсин.

Янги лойиҳамизда ҳамюртларимизнинг дам олишларини кўнгилли ташкил этиш алоҳида эътиборда бўлади. Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи обод этилади. Цирк, спорт-соғломлаштириш мажмуи (сузиш ҳавзалари билан), Нодира кўчасида эса хориж мезонларида, миллий услубда чойхона, бар, ресторанлар ва шу каби кўнгилли ҳордиқ чиқариш мажмуи қурилади.

Шаҳарнинг Чорсу даҳасидаги қадимий обидаларни сақлаб қолган ҳолда, бозор кенгайтирилиб, Фишткўприкгача давом этади. Шу ҳудудда кўплаб турар жой бинолари қурилади. Биринчиси битай деб қолди.

Банкларни бир жойга умумлаштириш, ҳар бир ташкилотда транспорт учун алоҳида тўхташ жойлари қуриш ҳам лойиҳада кўзда тутилган.

Лойиҳани амалга оширишга ҳозир жиддий киришганмиз. Катта йўллар қуриб бўлинди ҳисоб. Водийда ягона телемарказ қурилиши қизғин давом этяпти. Энг йирик маънавият ва маърифат маркази қурилишининг лойиҳаси ҳам тайёрланди. Экологияга таъсири бор завод, корхоналар шаҳар ҳудудидан деярли чиқарилди. Қисқаси, режаларимиз улуғ. Уларни тезроқ рўёбга чиқариш умиди билан яшаяпмиз. Бу борада республикамиз ҳукумати бизга катта ёрдам кўрсатяпти ва бундан кейин ҳам давом этади, деган умиддамиз.

Абдуғаффор АБДУЖАББОРОВ, шаҳар бош меъмори

* * *

СУРАТДА: янги лойиҳа асосида тайёрланган шаҳар макети.



XXI АСРДА ТАНИМАЙ ҚОЛАСИЗ



Фавворалар — иқлим мувозанати

Менда таклиф бор

ШАҲАР ОБОД — КЎНГИЛ ОБОД

Шаҳримизни кўпчилик гуллар шаҳри, дея таърифлайди. Бундан фахрланамиз. Ахир шаҳар ободлиги — кўнгил ободлиги билан баробар.

Кейинги йилларда шаҳарсозлик ва ободончилик ишларида муҳим ўзгаришлар юз берди. Бу шаҳар ҳусни-тароватида яққолроқ сезилади. Бироқ, айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Шу кунларда Наманганни катта қурилишлар майдонига қиёслаш мумкин. Кўплаб маданий-маиший ва турар жой бинолари қад ростламоқда. Булар яхши, албатта. Аммо, қурилиш ташкилотларининг раҳбарлари тозаликка етарли эътибор беришмаяпти. Қурилиш объектларига юк билан келган машиналар шаҳарни ифлослантириб юбормоқда. Бундан ташқари шаҳар газлаштириш, «Сувоқова» ҳамда қурилиш ташкилотлари кўчаларни ковлаб, ишлари биттач, шундай ташлаб кетаверишади. Таклиф шуки, энди бундай кўринишларга чек қўйилса. Иккинчи таклифим эса шаҳримизга кириб келадиган асосий кўчаларнинг бошланишига транспорт воситаларини ювадиган, хизмат кўрсатадиган махсус кичик корхоналар қуриш керак. Четдан келган ҳар бир транспорт воситаси тозалангач, шаҳарга киритилса, кўчаларимиз тоза, шаҳримиз янада сўлим ва файзли бўларди.

Ҳабибулла АБДУҲАЛИМОВ, шаҳар ташқи ободонлаштириш корхонаси бошлиғи.

КЎЛАМИЗ ~ КЎЛДИРАМИЗ

Саид Аҳмад бир гал Наманганга келганларида шоир Жамолиддин Муслим устоз қўлини олиб астойдил сўраши.

— Кимсан, болам, кўзимга иссиқ кўриндинг?— сўрадилар адиб.

Жамолиддин ўзини танитди.

— Э, сен ҳам дарвешмисан,— дедилар ва ижодини суриштирдилар.

***

— Мен сизларга раҳмат айтмоқчи эдим...

— Нега?

— Газетангизда мучал бўйича башорат берилган экан. Менинг йилим балиқ. Унда «Бу йил у ўзини кўрсатиш усулини топади..... ва мукофотга тақдим этилиши мумкин» дейилган экан. Кўшнимнинг тўйида битта чинни лаган йўқолди. Унга ош солдириб нариги ҳовлидаги Раҳимахон олиб чиқиб кеттанини кўргандим. Дарров эгасига айтдим. Суюнчисига ўша лаганни менга мукофот қилиб беришди. Башорат тўғри чиқди. Яна бир бор раҳмат.

«Дўстлик» теннис кортида

БАЙРОҒИМ, ЮЛДУЗИМ, МАДҲИЯМ ҚАЙТДИ

От сурар чавандоз
ўғлонлар қайтди,
Темурмен дегувчи
туғёнлар қайтди.
Қайтди қадим юртга
боболар руҳи,
Оғзидан ўт сочар
тулпорлар қайтди.

Юртнинг лобар қизи,
барчинлар қайтди,
Ҳавода ўйновчи
лочинлар қайтди.
Семурғ қанотида
қайтди юлдузлар,
Кўзидан нур сочар
тулпорлар қайтди.

Мағрур элим шаъни,
сарбонлар қайтди,
Буюк Ипак йўли,
карвонлар қайтди.
Узоқларга кетди биздан
дард, ҳасрат,
Ҳаминна йўлочар
тулпорлар қайтди.

Ишқсиз яшамас эл,
муҳаббат қайтди,
Ватан осмонига
садоқат қайтди.
Байроғим, юлдузим,
мадҳиям қайтди,
Тулпорлар ичида
тулпорим қайтди.

Икром СОЛИЕВ, Чортоқ тумани Пешқўрғон қишлоғидаги 31-мактабнинг 11-синф ўқувчиси.



«Ўнҳаят» қишлоқ гузари

ИККИ ДАРЁ ЮВАР КОКИЛИН...

Ислоҳот ва масъулият

Заминини икки дарё — Норин ва Қорадарё ювиб ўтадиган бу туманнинг энг катта бойлиги — халқи. Табиатан баёв, соддадил, муомаласи самимий, қалби сахий, мутойибага ўч, шўх-шаддот. Юпанчи — ҳалол меҳнат.

Таассуфки, бу меҳнатлар «ўтган даврлар»да юзага чиқмади. Вилоятнинг Андижонга қўшни, марказдан узоқ Норин тумани ижтимоий, маданий, маиший равнақда рўйхатлар охирида юрди. 1996 йилнинг кузи туман тарихида бурилиш нуқтаси бўлди.

Ойни этак билан ёпиб бўлмаганидек, юртбошимизнинг назарларидан тумандаги камчилик ва нуқсонларни яшириб бўлмади. Ташрифдан сўнг раҳбарларга тегишли баҳо берилди. Туманга янги ҳоким тайинланди.

Жамоа хўжаликларида интизом йўлга қўйилди. Ўтган йил плёнка остига чигит экишга ҳеч иккиланмай киришилди. Экин экиш муддати олдинги йилларга қараганда 20 кунга қисқарди. Ғалла ҳосилдорлиги 1996 йилдагидан 10,6 центнерга, пахта бундан ҳам кўпга ортди. Айни шу ортиқча центнерлар ҳисобига туман яқин 100 млн. сўм қўшимча даромад қилди.

— Президентимизнинг эътибор ва ёрдамлари туфайли туманда ўндан ортиқ зарбдор қурилишлар амалга оширилмоқда, — дейди туман ҳокими Ғ. Жабборов. — Норинкапа қишлоғида минерал сув ва лимонад ишлаб чиқариш заводи ишга тушди. Газлаштириш 2-3 баравар кенгайди. Чўжа-Ҳаққулобод йўли кенгайтирилди. Ғишт заводи қурилди. Марказда теннис корти ишга тушди.

Дарҳақиқат, уринилса, лоқайдлик енгилса халқимиз катта ишларга қодир. Думар қишлоғи одамларидан эшитганимиз: қишлоғимизда 30- йилларда ҳашар йўли билан қурилган мактабдан бошқа бирорта маъмурий бино йўқ эди. Ўтган йили 24 миллион сўм турадиган мактабнинг бино бўлгани истиқлол шарофатидан.

Ҳаққулобод шаҳарчасида кўкаламзорлаштириш оғир кечарди. Маълум бўлишича, айримлар саҳармардонда қўй-молини кўкаламзорларга ҳайдаркан. Оқибатда хиёбонлар пайҳон бўлиб, ҳайвон гажиган кўчатлар қуриб битаркан. Ўтган йили баҳорда турли чоралар кўрилди, бўлмади.

Бир куни саҳарда ҳоким бошчилигида беш-олти йигитлар спорт кийимида «ҳайвон» овладилар. Эгаларига чоралар кўрилди. Бу тадбир эртасига ҳам такрорланди. «Саҳарда шаҳарга ҳайвон ҳайдаганларга чора кўриляпти эмиш» деган овоза тарқади-ю, Ҳаққулободда тартиб ўрнатилди. Ҳозир шаҳар кўкаламзор, обод, кундан-кунга чирой очяпти.

Яқинда Наманган матбуоти вилоят ҳокимининг норинликларга табригини эълон қилди. Унда 5000 гектар ерга вилоятда биринчи бўлиб плёнка остига чигит эккан туман меҳнаткашлари олқишланди. Демак, пахта режаси бу йил ҳам эрта бажарилади, икки дарё оралиғидаги норинликларнинг ошиғи олчи бўлади.

СПОРТ

Вилоятда мини-футбол бўйича «Кока-Кола» совғини учун ўтказилган мусобақада Наманганнинг «Зафар» жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Тошкентда ўтказилган финал мусобақаларида ҳам чемпион бўлди. Жамоанинг бир футболчисига эса Францияда ўтадиган жаҳон чемпионатини томоша қилиш учун йўлланма берилди.

Велоспортчилардан Сергей Иволжатов, Глеб Жадько, Александр Рамазановлар Тошкентда ўтган республика биринчилигида муваффақиятли қатнашиб, Франция, Италия, Германияда бўладиган халқаро турнирларда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Чустлик Севара Қодирова ўтган йили стол тенниси бўйича Ўзбекистон биринчилиги голиби бўлганди. У Алмати шаҳрида ўтказилган халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси таркибида иштирок этиб, иккинчи ўринни, Ҳиндистоннинг Бомбей шаҳрида ўтган Осиё чемпионатида эса олтинчи ўринни эгаллади.

Енгил атлетика бўйича 11-19 июль кунлари Москвада ўтадиган Бутунжаҳон ўсмирлар ўйинларига ва Алмати шаҳрида бўладиган Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги халқаро мусобақаларда қатнашиш ҳуқуқини олган К. Кремлёва, О. Штрунова ва С. Мансуровалар устоз-мураббий Г. Сухачёв бошчилигида қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

Шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида вилоят спортчиларидан беш нафари хорижда ўтган халқаро мусобақаларда иштирок этишди. Шулардан бири халқаро спорт устаси, «Индонезия Президенти кубоги» соҳиби, боксчи Тимур Сулаймонов Туркия ва Таиландда ўтказилган халқаро турнирларда фахрли учинчи ўринни эгаллади.

1997 йилда Муҳаббат Кондакова биатлон бўйича Оврупа чемпиони бўлди. У «Соғлом авлод учун» ордени билан тақдирланган.

Бугунги кунда вилоят спортчиларидан 28 нафари спортнинг 10 тури бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларидир.

Қўш саҳифа материалларини Алимқул СУЛТОНОВ, Маҳмуджон ПАРПИЕВ тайёрлашди. Суратлар муаллифи Турғунбек МАҲКАМОВ. Навбат Қорақалпоғистон Республикасига.

«Намбум ЛТД» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонасида



ТУМАНЛАРДА НИМА ГАП?

ЧОРТОҚ. Тошкент вилояти, Фарғона водийси ҳамда Қирғизистон Республикасининг Ўш, Жалолобод вилоятлари чорвадорлари иштирокида маслаҳат йиғини бўлди. Унда ҳайвонларни ёзги яйловга чиқариш муаммолари муҳокама қилинди. Чорва ҳайвонлари профилактикаси билан шуғулланиш минтақа халқлари соғлиғини муҳофаза қилишнинг гаровидир, деган хулосага келинди.

ЧУСТ. Туман партия кенгаши ташаббуси ва ҳокимлик иштирокида 100 ёшдан ўтган 14 нафар отахон-онахонга иззат-икром кўрсатилди. 106 ёшли Зироятхон Бегматова, 103 ёшли Валижон Ваҳобов каби пиру бадавлат қариялар «Чуст» қаҳвахонасида даврага файз киритиб ўтиришди.

ЯНГИҚЎРҒОН. Туманда жойлашган «Янис-ЖВ» Ўзбекистон— Испания қўшма корхонасида ҳозирги кунда 189 киши меҳнат қилмоқда. Жаҳон мезонларида юқори сифатли шампан виноси ишлаб чиқарилаётган корхонанинг ташқи савдо айланмаси 2 миллион 138,2 минг АҚШ долларига тенгдир.

НАМАНГАН. Тумандаги Қумқўрғон қишлоғи аҳолиси учун табиий газ тармоғи кенгайди. 2-Қумқўрғон маҳалласи газлаштирилди. Кейинги тўрт йилда қишлоқда газ тармоғи 22 километрга етди.

УЧҚЎРҒОН. Туман маданий ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Ўзбекистон Бадиий академиясининг Учқўрғон тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати тантанали суратда очилди. Бу ерда санъатга ошуфта ёш иқтидорлар тарбияланади.

Биз ўз истеъдодли, фидойи болаларимиз, фарзандларимизга билим ва касб чўққиларини забт этиши учун қанот беришимиз керак.

***

Ҳар кунлик ҳаётимизда мана шундай билимли, баъмани, одобли, эл-юрти ғами ва ташвиши билан яшайдиган, жонини куйдирадиган ёшларимизни кўриб, ҳар қандай одам ҳам яйраб кетади.

Ислом КАРИМОВ

Ўзининг ноёб фазилати, ақл-заковати, салоҳияти, мақсад сари интилиши билан алоҳида ажралиб турадиган, чуқур билим олиш, мустақил фикр юритиш ва ижод қилиш, янгилик яратишга чанқоқ, эл-юрт равнақи учун фидойи бўлган истеъдодли ёшларни излаш, аниқлаш, тарбиялаш, уларнинг ноёб истеъдодини намоён этишга кўмаклашиш, илҳомлантириш, халқаро меъёрлар, андозалар талаблари даражасидаги юқори малакали мутахассис, баркамол инсон бўлиб етишишларига моддий-маънавий ҳомийлик қилиш, фаолиятларини эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтириш, куч-ғайратларини Ватанимизнинг қудратини янада юксалтириш, мустаҳкамлаш йўлида жипслаштириш Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ***Улуғбек жамғармасининг асосий мақсадидир.***

Республика Президенти Фармонлари, қонунлар ва ҳукумат қарорларининг мазмуни, ғоясини истеъдодли ёшлар онгига чуқурроқ етказиш, уларнинг онг-шуурини давримизнинг долзарб муаммоларини ҳал этиш йўлидаги интилишларга жалб қилиш, ғайрат-шижоатини яратувчилик йўлига йўналтириш, Ватан тақдири, башарият келажаги олдидаги масъулиятини кучайтириш, миллий ғурур ва умуминсоний қадриятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш, салоҳиятини ошириш, эътиқодли ёрқин истеъдод соҳибларини руҳлантириш ва илҳомлантириш Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш **Улуғбек жамғармасининг асосий вазифасидир.**

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Андрей ОРЛОВ (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)
Валерий ЛАБАРЕШНИХ (масъул котиб — «Голос Узбекистана»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 25-16-16;
Бухорода — 23-51-40;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-29-44;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Самарқандда — 35-20-54;
Тошкентда — 133-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КУЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳайдар НОСИРОВ, навбатчи Соҳибжон САЛИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида, А—2 форматида, 28.061 нусхада босилди.
•
Ҳажми 2 босма табоқ.
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 03

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 21.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси фан ва техника давлат қўмитаси, Ўзбекистон радиоси билан ҳамкорликда Ўзбекистон мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган «Ихтиро қил, синаб кўр ва тадбиқ эт!» мавзуида ихтирочи ва рационализатор ёшларнинг республика кўрик-танлови

НИЗОМИ

I. Кўрик-танловнинг мақсади-вазифалари:

Ушбу кўрик-танлов Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 декабрдаги 596 ҳамда Республика Олий Кенгашининг 1994 йил 6 майидаги 1068-XII-сонли қарорларининг бажарилишини таъминлаш, ёш ихтирочилар, рационализаторлар, тадқиқотчилар, муаллифларни руҳлантириш, илҳомлантириш, илмий кашфиётлар, ихтиролар, рационализаторлик таклифларидан халқ хўжалигида самарали фойдаланиш, янги замонавий технологияларнинг ҳаётга жорий этилишига кўмаклашиш, истеъдодли ёшларнинг имкониятларини эзгу ва улуғ мақсадларга йўналтиришга қаратилган.

II. Кўрик-танлов шартлари:

Ушбу кўрик-танловда иштирок этувчилар ўзларининг сўнгги 2-3 йил давомида яратган илмий-техникавий ихтиролари, илмий кашфиётлари, рационализаторлик таклифлари, халқ хўжалигига жорий қилинган замонавий технологиялар, макетлар, лойиҳалар, чизмалар, конструктив моделлар ва бошқаларни, шунингдек иштирок этувчиларнинг таржимаи ҳоли, фаолиятига оид маълумотлар, фотосуратлар, видеокассеталар, кундалик матбуотда эълон қилинган мақолалар, рисолалар ва бошқа материалларни кўшиб юборишлари талаб этилади.

Кўрик-танловда 35 ёшгача бўлган барча истеъдод соҳиблари қатнашишлари мумкин. Муаллифлар сони 3 кишидан ошмаслиги керак.

Кўрик-танловга ишларни юборишда қуйидагиларга эътибор берилиши тавсия қилинади.

1. Таклиф этилаётган ишнинг, ғоянинг, кашфиётнинг янгилиги, муҳимлиги ва долзарблиги.
2. Ихтиро, кашфиёт, ишнинг ҳаётга тадбиғи (қаерда, қачон).
3. Кутилаётган иқтисодий самарадорлиги (тежамкорлиги -- энергия ва хомашё сарфининг камлиги, техник ечимларнинг устуворлиги).
4. Экологик кўрсаткичлари (атроф-муҳитга бўлган таъсири ва муаммони ҳал қилиш таклифлари).
5. Хорижда шундай ишларнинг мавжудлиги ёки сизнинг ишингизни алоқадорлик томонлари (чет элларда ҳам шундай ишлар жорий этилганлиги ва унинг иқтисодий самараси).
6. Халқ хўжалигида қўлланиш даражаси ёки тадбиғи (қайси соҳа ёки тармоқларда, мажмуаларда қўлланилиши мумкинлиги).
7. Жамоатчилик томонидан эътирофи (вилоят, туман, шаҳар, техник ижод марказлари, ихтирочи ва рационализаторлар жамияти, илмий муҳандислик уюшмалари, касаба уюшмалари ва бошқалар).
8. Давлат рўйхатидан ўтказилиш даражаси (синовдан ўтказилганми ёки йўқми, тажриба намунасининг мавжудлиги ёки мавжуд эмаслиги).
9. Янгиликни тасдиқловчи ҳужжатларнинг мавжудлиги (рационализаторлик гувоҳномалари, дастлабки патент ёки патент борми).
10. Вилоят, республика ёки халқаро илмий анжуманларда, слётларда, кўрик-танловлар ва бошқаларда иштирок этганлиги ва ишнинг баҳоланиши.
11. Ихтиро ва рационализаторлик ишларига оид бўлган лойиҳалар, макетлар, чизмалар, фотосуратлар, видеокассеталар, эълон қилинган мақола, ёшларнинг техникавий ижодкорлик намуналари ва таклифлари ва бошқалар.

Ихтиро, илмий кашфиёт ёки рационализаторлик таклифлари, ёшларнинг техникавий ижодкорлиги намуналари бўйича уларни тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши шарт.

Танлов иштирокчиларидан қуйидаги саволларга ёзма равишда жавоб беришлари сўралади.

1. Тақдим этилаётган ишнинг янгилик жиҳатлари нималардан иборат?
2. Ишнинг ҳаётга тадбиғи (қаерда, қачон).
3. Кутилаётган иқтисодий самара (ишнинг фойдали коэффициенти).
4. Ишнинг экологик кўрсаткичлари (атроф-муҳитга таъсири).
5. Ишнинг жамоатчилик томонидан баҳоланиши.
6. Муаллифлик ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат (муаллифлик гувоҳномаси, дастлабки патент ва патент)лар.
7. Муаллифнинг вилоят, республика ва халқаро илмий-техникавий йиғинлардаги иштироки ва ишнинг баҳоланиши.
8. Шу йўналишдаги хорижий технология, кашфиёт, ихтиро ва бошқалар билан алоқадорлиги.
9. Ушбу ишингизни юртимиз истиқлоли учун қанчалик аҳамиятли деб ҳисоблайсиз?

Қатнашувчилар юқорида кўрсатиб ўтилган шартлар бўйича ўзларининг ихтиро, кашфиёт, рационализаторлик таклифлари, лойиҳа ёки илмий-тадқиқот ишлари натижаларини ифодаловчи шарҳни ва саволларга жавобларни машинкаланган ҳолда 10 бет атрофида Улуғбек жамғармаси бошқаруви ҳузурида ташкил этилган республика танлов ҳайъатига жорий йилнинг 1 августигача юборишлари лозим.

Танлов ғолибларига Улуғбек жамғармасининг қуйидаги мукофотлари берилади:

Биринчи ўрин учун -- рангли телевизор.
Иккинчи ўрин учун -- «Семург» телевизори.
Учинчи ўрин учун -- магнитафон.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700027, Фурқат кўчаси 1-уй. 5-қават Улуғбек жамғармаси бошқарувига.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасининг Улуғбек мукофотини бериш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармасининг Улуғбек мукофоти республикамиз халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали фаолияти билан алоҳида ажралиб турадиган, элнинг назарига тушган, 35 ёшдан ошмаган эътиқодли, фидойи-ватанпарвар, кашфиётчи, олим, санъаткор, мутахассис, тадбиркор, ихтирочиларга берилади.

1998 йил учун бериладиган Улуғбек мукофоти қуйидаги йўналишлар бўйича:

-- Йилнинг энг истеъдодли соғлом ва баркамол авлод мураббийси (тарбиячиси) йўналиши бўйича -- халқ таълими, тиббиёт муассасалари, халқ табобати соҳасида (шунингдек, ибратли оилалар ҳам) ишлаб келаётган истеъдодли ёшлар учун:

-- Йилнинг энг истеъдодли Ватан фидойиси йўналиши бўйича Мудофаа ва Ички ишлар вазирлиги, божхона қўмитаси тизимларида мамлакат мудофааси, эл-юрт осойишталиги йўлида кўрсатилган жасорат, ватанпарварлик намуналарини намоён этган фидойи ёшлар учун:

-- Йилнинг энг истеъдодли спортчиси йўналиши бўйича -- мамлакатимизнинг шон-шуҳратини халқаро миқёсга олиб чиққан машҳур спортчилар учун:

-- Йилнинг энг истеъдодли шоири (ёзувчиси) йўналиши бўйича -- адабиёт ва санъат соҳасида замонамиз ёшларининг ёрқин образларини яратган истеъдод соҳиблари учун:

-- Йилнинг энг истеъдодли санъаткори йўналиши бўйича -- санъат, мусиқа, қўшиқ, кинематография, театр, меъморчилик, ҳайкалтарошлик, тасвирий ва амалий санъат, халқ ҳунармандчилиги соҳасида истиқлол имкониятларини бадиий жиҳатдан чуқур талқин этган ёш санъаткорлар учун:

-- Йилнинг энг истеъдодли кашфиётчиси (олим, рационализатор, ихтирочи) йўналиши бўйича -- фан-техника соҳасида янгилик, ихтиролар қилган кашфиётчи олимлар, рационализатор, илмий-тадқиқот муаллифлари учун:

-- Қишлоқ хўжалик соҳасида янги замонавий технологияларни жорий этган истеъдодли ёшлар учун:

-- Маҳаллий давлат ҳокимияти, бошқарув органларида бошқарув, хўжалик юритиш соҳаларида янгилик яратган, юксак натижаларга эришган ёшлар учун:

-- Халқ хўжалигининг барча соҳаларида тадбиркорлик, ишбилармонликлари, ташкилотчилик салоҳиятлари билан эл назарига тушган истеъдодли хотин-қизлар учун:

-- Иқтисод ва тадбиркорлик соҳасида ажойиб натижаларга эришган истеъдодли иқтисодчи, ишбилармонлар, ихтирочилар учун:

-- Йилнинг энг истеъдодли публицисти йўналиши бўйича -- мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ёшлар руҳиятидаги ўзгаришларни ҳозиржавоблик билан ёритган муаллифларга танлов эълон қилади. Улуғбек мукофотининг ҳар бири 30 минимал иш ҳақи миқдорига тенг бўлиб, уни олишга муяссар бўлган истеъдодли ёшларга Мирзо Улуғбек таваллуд топган кун, яъни 22 март куни топширилади.

Улуғбек мукофоти билан тақдирланишга лойиқ деб топилган ишлар, номзодлар 1998 йил 31 декабригача Улуғбек жамғармаси раёсатига топширилиши керак.

-- Улуғбек мукофоти билан тақдирланиш мумкин деб топилган ишлар муаллифи, номзодлар ишлайдиган корхона, ташкилот, меҳнат жамоаси, муассаса ва бошқалар томонидан тақдим қилиниши мумкин.

Улуғбек мукофотига сўнгги икки йил мобайнида яратилган ишлар, асарлар, номзодлар фаолиятининг маҳсули юборилиши сўралади.

-- Улуғбек мукофотини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар:

1. Номзодларнинг шахсий варақаси (тегишли тарзда тўлдирилган иш жойида тасдиқланган ҳолда) 2 дона 4х6 фотосурати билан.
2. Мукофотга тақдим қилинган номзод, иш, лойиҳа ёки амалиётда эришилган натижалар ҳақида маълумот (мутахассислар, тегишли ташкилотларнинг хулосаси илова қилинган ҳолда).
3. Номзод ёки ишга тегишли аудио материаллар, матбуотда эълон қилинган ишлар.
4. Номзод фаолиятининг (ишнинг долзарблиги, янгилиги) ижодий самараси кўрсатилган бўлиши керак.
5. Тақдимнома мукофот берилишига тавсия этган ташкилотнинг расмий бланкасида ёзилиб, ташкилот раҳбарининг имзоси қўйилган ва муҳрланган бўлиши шарт.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700027. Фурқат кўчаси 1-уй, 5-қават. Улуғбек жамғармаси бошқарувига. Маълумот учун телефонлар: 45-26-45, 45-23-48, 45-24-57.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси истеъдодли ёшларнинг миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларини кучайтириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаоллигини янада ошириш, улар иқтидорини, имкониятларини эзгу ва улуғ ишларга йўналтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 7 йиллигига бағишланган «Ватан -- истеъдодлар бешиги» республика

КЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Кўрик-танловда иштирок этувчилар ўзларининг Ўзбекистонни мадҳ этувчи, она-Ватан қиёфасини, мустақиллик йилларида эришилган ютуқларни, ёшлар онг-шууридаги ўзгаришларни ёрқин акс эттирувчи (қўшиқ, мусиқа асарлари, шеър, поэма, ҳикоя, публицистик асарлар, меъморчилик, тасвирий санъат асарлари, ихтиролар, рационализаторлик таклифлари, илмий кашфиётлар) асарларини юборишлари лозим. Танлов қатнашчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнидаги бевосита иштирокини (қўшаётган ўз шахсий ҳиссаси) қай даражада эканликларини ҳам кўрсата олишлари тақозо этилади.

Танловга юборилган асарлар ҳеч жойда эълон қилинмаган (машинкаланган ҳолда) бўлиши шарт.

Танлов иштирокчилари қуйидаги «Сўровнома» саволларига жавоб ёзишлари сўралади:

1. Сизнингча Ватан нима, уни англаш нимадан бошланади?
2. Ватан туйғусини қандай ҳис этасиз?
3. Ватанпарварлик тушунчасини қандай изоҳлайсиз?
4. Юрт соғинчини ҳис қилганмисиз (қаерда, қачон ва нима сабабдан)?
5. Истиқлол Сизнинг ҳаёт тарзингиз, онг-шуурингиз, тафаккурингизда қандай ўзгаришлар қилди?
6. Ўз шахсий ҳаётингиз мисолида мустақиллик имкониятларини нималарда кўрдингиз?
7. Ватан, миллат, халқ тушунчаларининг уйғунлигини нималарда кўрасиз?
8. Ўз ҳаётингизнинг Ватан тақдири билан муштараклигини қандай ифодалайсиз?
9. Ватан, юрт истиқболи, равнақи учун шахсан ўзингиз нима ҳисса қўша олдингиз?
10. Юртимиз истиқболини қандай тасаввур қиласиз?

Ушбу кўрик-танловда 25 ёшгача бўлган барча истеъдод соҳиблари қатнашишлари мумкин.

Танлов қатнашчилари ўз ишларини, саволларга жавобларни (машинкаланган ҳолда) Улуғбек жамғармаси бошқаруви ҳузурида ташкил этилган республика танлов ҳайъатига шу йилнинг 30 июлига қадар юборишлари лозим.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент шаҳри, 700027. Фурқат кўчаси 1-уй, 5-қават. Улуғбек Жамғармаси бошқарувига.

Танлов ҳайъати томонидан муносиб топилган номзодлар 1998 йилнинг сентябрь ойида **ЖИЗЗАХ** вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда **ЖИЗЗАХ** шаҳрида ўтказиладиган якуний тадбирга таклиф этиладилар.

Республика кўрик-танловида 1-2-3-ўринларни олганлар Улуғбек Жамғармаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда Янги йил арафасида махсус ташкил этиладиган кўрсатувга таклиф этиладилар.

Танлов ғолиблари Улуғбек жамғармасининг Фахрий ёрлиқлари ҳамда мукофотлари билан тақдирланадилар.

КЎРИК-ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

Маълумот учун телефонлар: 45-23-48, 45-26-45, 45-96-96.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш Улуғбек жамғармаси Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда «Оила -- истеъдод таянчи» республика

ТЕЛЕКЎРИК-ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мазкур кўрик-танловда (оила бошлиқлари 37 ёшгача бўлган) истеъдод эгалари (ўқувчи, талаба, олим, соҳа мутахассиси, санъаткор, тадбиркор, сиёсатчи) қатнашишлари мумкин.

Телекўрик-танлов қатнашчилари ўз фаолиятлари ҳақида қуйидаги сўровнома асосида ёзма маълумот беришлари лозим:

1. Оила ҳақида умумий маълумотлар (оила аъзоларининг исми-шарифи, туғилган йили, маълумоти, касби).
2. Оиладаги истеъдод соҳибларининг қизиқишлари.
3. Оиладаги анъаналар (ҳар хил оилавий тадбирлар).
4. Маънавий-маърифий эҳтиёжларингизни қандай қондирасиз? (Кино, китоб ўқиш, крассворд ечиш ва ҳоказо).
5. Сиёсий-ҳуқуқий билимингизни юксалтириш учун нималар қиласиз?
6. Оилада тадбиркорликка бўлган муносабат (сиз тадбиркорлик билан шуғулланасизми?).
7. Қайси ижод турлари билан шуғулланасиз? (адабиёт, санъат турлари, аниқ фанлар, ихтирочилик-рационализаторлик, миллий ҳунармандчилик, халқ табобати, халқ амалий санъати ва бошқалар).
8. Спортнинг қайси турлари билан шуғулланасиз?
9. Оилада бўш вақтдан фойдаланиш.
10. Истеъдод деганда сиз нималарни тушунасиз?
11. Оила аъзоларингиз орасида ёрқин истеъдод эгалари бор, деб ҳисоблайсизми?
12. Истеъдоднинг намоён бўлиши учун оилада қандай шароит яратилган?
13. Номзоднинг туман (шаҳар), вилоят, республикада, халқаро тадбирларда иштирок этиши (танлов, олимпиада, фестивал, спорт мусобақалари ва ҳоказолар).
14. Ижод маҳсулининг ҳаётга тадбиғи (қаерда, қачон).
15. Истеъдоднинг орзулари, олдига қўйган мақсадлари.
16. Оилада истеъдоднинг ўз мақсадига эришиш йўлидаги муаммолар.

Сўровномага номзод фаолиятига оид бўлган фотосуратлар, видеокассеталар, матбуотда эълон қилинган мақолалар ва бошқа ижод маҳсуллари илова қилиниши мумкин.

Иштирокчи юқоридаги шартларнинг барчасига тўлиқ жавоб бериши қатъий шарт эмас.

Телекўрик-танлов ғолиблари (1-2-3-ўринларни эгаллаганлар) Улуғбек жамғармаси лауреатлик нишони ва қуйидаги мукофотлар билан тақдирланадилар:

Биринчи ўрин учун -- компьютер,
Иккинчи ўрин учун -- ДЭУ рангли телевизори, видеомагнитофони билан,
Учинчи ўрин учун -- ДЭУ рангли телевизори.

Республика телекўрик-танловининг барча иштирокчилари Улуғбек жамғармаси ва Ўзбекистон телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда янги йил арафасида махсус ташкил этиладиган якуний кўрсатувга таклиф этиладилар.

Кўрик-танловга марҳамат!

Номзодлар тўғрисидаги ҳужжатларни Тошкент шаҳри, Фурқат кўчаси, 1-уй, 5-қават, Улуғбек жамғармаси бошқарувига юборишингиз сўралади.

Ўзбекистон энергетиклар илмий-техникавий уюшмасининг «Назорат» кичик илмий-ишлаб чиқариш корхонаси **ТУГАТИЛАДИ**

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат ичида 61-67-04 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Ўзбекистон овози» газетаси меҳнат жамоаси таҳририятнинг собиқ ходимаси Холида Иноғомовага падари бузруквори **Нуриддин ИСЛОМОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.